

## УЯЛИ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ ҮРНИ

Зарипов Файзиддин Мухитдинович

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ таянч докторанти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7041616>

**Аннотация.** Мақолада мобил алоқа воситаларининг (смартфон, планшет ва бошқа қурилмалар) зарари ва афзалликлари тарифланган, замонавий билим ва тажриба, масалалари ўз ифодасини топган.

**Калим сўзлар:** ватанпарварлик, миллатпарварлик, бағрикенглик, ҳушиёрлик ва огоҳлик, ёт ва бегона хуружлар, миллий ва умумбашарий қадриялар.

## МОБИЛЬНЫЕ СРЕДСТВА СВЯЗИ И ИХ РОЛЬ В ОБРАЗОВАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ

**Аннотация.** В статье описаны преимущества и недостатки устройств мобильной связи (смартфонов, планшетов и других устройств), современные знания, опыт и проблемы.

**Ключевые слова:** патриотизм, национализм, толерантность, бдительность и осведомленность, чужие и чужие атаки, национальные и общечеловеческие ценности.

## MOBILE COMMUNICATIONS AND THEIR ROLE IN YOUNG GENERATION EDUCATION

**Abstract.** The article describes the advantages and disadvantages of mobile communication devices (smartphones, tablets and other devices), current knowledge, experience and problems.

**Keywords:** patriotism, nationalism, tolerance, vigilance and awareness, alien and alien attacks, national and universal values.

## КИРИШ

Дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари барчамизга янги вазифалар юкламоқда. Шундай вазифалардан бири – ёш авлодни ватанпарварлик, миллатпарварлик ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, уларда ҳушёрлик ва огоҳлик туйғуларини мустаҳкамлаш, уларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат билан қарайдиган ва миллий урф-одатлар ва қадрияларни эъзозлайдиган баркамол шахс қилиб тарбиялашдир.

Мамлакатимизда ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллаш натижасида шахс ва субъект сифатида шаклланиши, жамият томонидан белгиланган хулқ нормаларига риоя қилиши, табиий имкониятларини рӯёбга чиқариши, ижтимоий тажриба орттириш учун имкониятлари кенгаймоқда. Шунингдек, ўқувчилар орасида деструктив ғоялар профилактикаси самарадорлиги, уларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, дезадаптация ҳолатлари ва ундаги шакл, метод, воситаларини қўллаш самарадорлигини ошириш муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, узлуксиз таълим тизимининг асосий поғоналаридан бири - умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари орасида деструктив ғоялар профилактикасига йўналтирилган педагогик технологиялар профилактикасини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Ўз тараққиётининг янги босқичига қадам босган мамлакатимизда ёшларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятларга содиклик руҳида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар сифатида вояга етказиш устувор вазифалардан бирига айланиб улгурди.

Хусусан, бугунги кунда “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” деган эзгу ғоя асосида ҳалқ таълими тизимида жадал равишда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Айни дамда, барча жабҳаларда, шу жумладан, ахборот ва телекоммуникация соҳасининг жадал ривожланиши ана шу изчиликнинг амалдаги самарасидир. Ҳозирги вақтда нафақат шаҳарлар, балки юртимизнинг тоғли қишлоқлари, олис овулларида ҳам замонавий телекоммуникация тизимлари - интернет, мобил телефон алоқаси, компьютерда турли хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган сервис шахобчалари тобора кўпаймоқда. Кези келганда, қишлоқ жойларда мобил алоқа хизмати абонентлари сони 20 миллионга етгани, бу эса мамлакатимиз бўйича умумий кўрсаткичнинг 80 фоизини ташкил этаётгани ҳамда мазкур рақам жадал ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Дарҳақиқат, бугунги ҳаётимизни алоқа воситаларисиз тасаввур қилиш мушкул. Дунёнинг бу бурчагими, ёхуд наригисими биз таниган ва билган инсонлар билан ўрнимиздан жилмасдан сўзлаша оламиз. Ҳа, бу айни ҳақиқат, шунчаки одатий бир ҳол. Аслини олганда эса дунёдаги биринчи телефон 1876 йилнинг 14 февралида ихтиро сифатида патент олиниб ишга туширилган. Орадан қарийб бир аср ўтиб, 1973 йилнинг 3 апрелида “Моторола” компанияси раҳбари Мартин Купер симсиз телефон орқали ўз рақобатчилари билан сўзлашишга муваффақ бўлган. Тадбиркор бу ишни йирик шаҳардаги катта кўчада, гавжум жойда амалга оширади.

Халқимизда “Бир яхшининг бир ёмони бор” деган нақл бор. Мобил алоқа воситаларини қулай мулоқат тури деб баҳоладик. Аммо, бугунги кунда дунё миқёсида глобаллашаётган муаммолардан бири мобил алоқа васиталарининг ёш авлод тарбиясига ҳамда соғлиғига таъсирида кўринмоқда. Шу ўринда мазкур алоқа воситасининг афзаллик ва зарар келтирувчи жиҳатларига тўхталиб ўтайлик.

**Биринчидан**, афзаллик жиҳатларидан бири, ота-она учун дилбандининг қаерда, нима иш билан бандлигини билиш ота-онага хотиржамлик бағишлиайди;

**иккинчидан**, телефоннинг болалар учун фойдали томони – хавф олдини олиши мумкинлигидир. Айнан, ота-она ҳар эҳтимолга қарши фавқулодда ҳолатларда фойдаланиладиган рақамларни қандай теришни ўз фарзандига ўргатиши ва ноҳуш ҳолатлар пайдо бўлганида тезда боғланиш имконияти мавжудлиги ижобий ҳол албатта.

Мобил алоқа воситаларининг салбий жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, **биринчидан**, мобил алоқа воситаси бир томондан бола ҳаётини хавф-хатардан асраса, бошқа томондан хавф даражасини оширади. Биламизки, болалар ўзларига тегишли ўйинчоқ, китоб, велосипед ва ниҳоят қўл телефони билан мақтанишни яхши кўришади. Қимматбаҳо телефонни кўз-кўз қилиш – ўғирликка мойилликни кучайтириши мумкин;

**иккинчидан**, ўсмирлар орасида уяли алоқа аппарати – яшаш тарзининг ўзига хос кўрсаткичи бўлиб хизмат қилсада, қўл телефонига қараб, кимнинг ота-онаси қанча пул

топишини бемалол айтиб бериш, бунинг натижасида ўсмирлар орасида носоғлом рақобат пайдо бўлиши, натижада оиласда уруш-жанжал юзага келиши мумкин;

**учинчидан**, алоқа телефони – оила бюджети учун ортиқча сарф-харажат демакдир. Айниқса, агар бола ўз сухбатини назорат қилишни билмаса, бу оиласда иқтисодий кескинликка олиб келиши мумкин;

**тўртинчидан**, мобил алоқа аппарати боланинг ташқи дунёга бўлган қизиқишини сўндириши мумкин. Хусусан, бола одамови бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, компьютер, интернет, “сотка” каби алоқа воситалари болани одамлар билан жонли мулоқотда бўлишдан чегаралаб қўяди. Натижада, бола илмий тил билан айтганда, айрим холларда виртуал аутист, яъни ташқи дунёдан узилиб қолган одам ҳолатига тушиб қолиши мумкин;

**бешинчидан**, мобил алоқа телефонига боғланиб қолиш ҳолати юзага келиши мумкин. Натижада бола қўл телефонисиз ўзини ҳеч кимга керак эмасдек, энди дўстлари у билан гаплашмай қўядигандек ҳис қилиши мумкин.

Бундан ташқари, мобил телефон тарқатадиган радиациянинг инсон танасига маълум даражада зарар кўрсатиши мутахассислар томонидан исботланган. Шифокорларнинг таъкидлашича, бу радиоалоқа нурлари айниқса кичик ёшдагилар миясига таъсир кўрсатиб, улардаги нормал ўсиш жараёнига хавф туғдириши мумкин. Чунки боланинг айни ўсиш палласида бўлган мия ҳужайралари мобил телефон нурларидан осон заарланади. Суяклар ўсишдан тўхташи, хотиранинг сусайиши, иммунитетнинг тушиб кетиши каби ҳолатлар юзага келишида айнан мобил алоқа воситаларининг (смартфон, планшет ва бошка қурилмалар) “хизмати” катта экани олимлар тадқиқотларида аниқланган. Мобил телефон туфайли ёш болаларда жizzакилик, руҳий тушкунлик, лоқайдлик каби иллатлар илдиз отиши ҳам тасдиқланган.

Хусусан, психологларнинг таъкидлашича, мобил телефонларга ҳаддан ташқари берилган болалар ундан ажralишини тасаввур ҳам қилолмайдиган бўлиб қолишади. Кечаси-ю, кундузи ёнида туришини, тинмасдан у билан машғул бўлишни исташади. Ҳисоб-китобларга қараганда, кейинги йилларда айрим ривожланган мамлакатларда фарзандларида руҳий муаммолар борасида психологларга мурожаат қилаётган отоналар сони ортиб бораёттир. Мобил телефон ва шахсий компьютерига ҳаддан ташқари боғланиб қолиб, ўзини бутунлай шу техникага бағишилаган ва одамлар билан, ҳатто отонаси билан ҳам мулоқати сусайган ўсмирларнинг сони ортиб бораётганлиги ачинарлидир.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Глобаллашув жараёнининг шиддат билан ривожланаётгани ахборотни қуролга айлантироқда. Мамлакатлар, минтақа ва худудлар ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик аввало ана шу ахборотнинг, ғоя ва мағкурунинг тобора интеграциялашаётгани натижасидир. Ҳозир содир бўлган ҳар қандай ахборот, турли фото, видео тасвирлар зум ўтмай интернетдан жой олади, бутун дунёни бундан хабардор қилади. Бу ҳам етмаганидек, қўп ўтмасдан айни шу ахборотлар мобил телефонларда пайдо бўлади ва дунёning инсон яшайдиган деярли ҳар бир нуқтасигача етиб боради. Бинобарин, биз катталар мобил телефонларнинг кенг миқдорда маълумотларни сифдира оладиган хотираси мактаб ўқувчилари қўлида эзгу мақсадларга хизмат қилишини хоҳлаймиз. Демак, зўравонлик, ваҳшийлик, жангарилик, беҳаёликни акс эттирувчи ва камситувчи

(буллинг) хатти-харакатларнинг содир этилиши тарғиб қиладиган маълумотлар, фото, видео тасвирлар, ёвузликни ўргатадиган ўйинлар фарзандларимиз қўлидаги телефонларда тобора оммалашаётгани барчамизни хушёрикка чақириши керак. Масаланинг ўйлантирадиган томони шундаки, кераксиз файлларни мобил телефондан ўчириб ташлаш билангина ўқувчиларни бундан чеклаб бўлмайди. У “дўстларининг” телефонидан буларни осонгина қайтадан олиши мумкин. Қолаверса, қўча-кўйда, интернет кафеларда телефонларга мусиқа, клип, ўйин ва бошқа тасвирларни ёзиб берувчи “тадбиркорлар” ҳам оз эмас. Даҳшатли авариялар, одамларни қийноққа солиш, ўлдириш, айрим беҳаё видеороликлар бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Муаммо шундаки, бола нима яхшию нима ёмонлигини ҳамма вақт ҳам тўғри англайвермайди. Фарзандини бошқалардан кам бўлмаслигини ўйлаб баъзи бир ота-оналар боласи қўлига қиммат мобил алоқа воситаларини (смартфон, планшет ва бошқа қурилмалар) олиб берадио, оқибатини ўйламайди. Шу кичкина “кути” орқали фарзандимизнинг маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қараашда арзимасдек туюлган кичкина хабар ҳам глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкинлигини хис этмаймиз. Фарзандимиз эртага телефонидаги “қаҳрамон”ларга ўхшашни, ўз телефонига руҳиятни жунбушга келтирадиган, тасвиру-оҳангларни жойлаштириб олишни хоҳламаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожи мобил телефон тармоғининг кенг миқёсда тараққий этишига хизмат қилаётir. Ҳозир юртимизда мобил телефондан фойдаланувчилар сони ўн миллиондан ошгани ҳам соҳанинг изчил тараққий этаётганидан далолатdir. Бу яхши, албатта. Бироқ мобил алоқа воситаларининг (смартфон, планшет ва бошқа қурилмалар) муаммоси бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Юқоридаги нохуш холатларни олдини олиш мақсадида мамлакатимиз ҳалқ таълими тизимида бир қатор норматив-ҳуқуқий хужжатлар татбиқ этилди. Хусусан, “Таълим муассасаларида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”нинг жорий этилиши, Таълим муассасаларида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида тавсияларни ишлаб чиқилиши ҳамда мактабнинг ички тартиб-қоидаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар таълим тизимида ўзига хос тарбиявий аҳамият касб этмоқда. Аёнки, бу борада қилинаётгандар ишлар салмоқли, шу билан бирга машақкатли ҳамдир. Бу жараёнда барчамиз масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз лозим.

Биз фикр юритаётган масала дунё ҳамжамияти учун ҳам ташвишли эканлигини кузатиш мумкин. Хусусан, рақамларнинг гувоҳлик беришича, ҳозир дунё бўйича икки ярим миллиард инсон мобил телефондан фойдаланади. Бу жамият ҳаётида мобил телефон фақат техника мўъжизаси бўлиб қолмасдан, аллақачон ижтимоий ҳодисага айланганидан далолатdir. Масаланинг энг нозик томони бундайлар орасида болалар, яъни мактаб, ҳатто боғча ёшидаги фарзандлар ҳам анчагина эканидир.

Коммуникация технологиялари имкониятларидан тўғри фойдаланиш борасида олимлар тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Мазкур тадқиқотлар натижаларига кўра, узоқ вақт уяли алоқадан фойдаланаётган болаларда қулоқ ва мия ўсимтаси ривожланиши эҳтимолдан холи эмас. Хусусан, профессор Стуарднинг айтишича, нурланишга биринчи бўлиб ёш авлод дучор бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда, ота-оналар ўз фарзандларининг соғлиғи учун қайғуриб, уяли телефондан фойдаланиш меъёрларини

кўриб чиқишилари ва уларга мобил алоқа зарур бўлмаса, имкон қадар фойдаланмасликни тавсия этишлари лозим.

Бошқа бир гурух олимларнинг фикрига кўра, мобил алоқа воситасидан атиги икки дақиқа давомида фойдаланиш оқибатида кейинги икки соат давомида бола миясининг биоэлектрик фаоллиги сусайиши мумкин. Ўсмирлар болалигидан бошлаб уяли алоқа воситасидан фойдалансалар 20-29 ёшга кирганларида миясида шиш пайдо бўлиши мумкин экан. Асаб тизими эндигина ривожланаётган болалар учун мобил алоқа воситаси айниқса зарар эканлиги ҳам аниқланган.

Олимларнинг фикри билан чегараланиб қолмасдан бир қатор хорижий мамлакатлар амалиётига кириб келган янгиликка ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир.

Мактаб ўқувчиларининг мобил телефондан фойдаланишига чекловлар ўрнатиш борасида кўплаб давлатларда амалий қадамлар қўйилган. Масалан, Бангладешда 16 ёшгача бўлган болаларнинг мобил телефондан фойдаланиши бутунлай тақиқланган. Франция, Испания ва Англия давлатлари томонидан ҳам болалар учун мобил алоқа хизматларидан фойдаланишда чекловлар ўрнатилган.

Шу кунларда Англиянинг Янги Уолтем шахридаги мактабларда эшикдан кираверишда маҳсус тезкор алоқа воситаларини фош этувчи сканер ўрнатилди. Агарда қай бир ўқувчидаги телефон топиладиган бўлса, маҳсус хизмат вакиллари уни дарҳол мусодара қилиб, ота-оналаридан жарима ундириб олмоқдалар.

## МУҲОКАМА

Мамлакатимизда ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом фарзандларни вояга етказиш, уларнинг баҳту саодати, фаровон келажаги учун ҳеч кимдан кам бўлмайдиган шартшароит яратиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб келмоқда. Шу маънода мобил алоқа воситалари, телекоммуникация имкониятларидан оқилона ва тўғри фойдаланиш маданиятини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Шу тариқа биз фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона хуружлар, ёшлигаримизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ҳар қандай ғаразли интилишларга қарши доимо хушёр ва огоҳ бўлиш вазифасини уddyлай оламиз. Фарзанд тарбияси, унинг иқболи биринчи ўринда турар экан, болаларимизни мобил алоқа воситалари савдоси (смартфон, планшет ва бошқа қурилмалар) мубтало бўлишдан асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

*Таълим муассасаларида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида тавсия.* Бугунги кунда мобил телефони кундалик турмушдаги асосий эҳтиёжлардан бирига айланиб улгурди. Бироқ, тадқиқотлар уяли алоқа хизматидан фойдаланувчи ҳар бир киши мобил телефондан тўғри фойдаланиш одоб-қоидаларини билиши ва унга амал қилиши зарурлигини кўрсатади.

Албатта, исталган киши шахсий мобил телефонидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга, аммо бунда у бошқа кишиларнинг шахсий эркинликларини чегаралаб қўймаслиги керак.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, биз таълим муассасаларида уяли алоқа воситаларидан фойдаланишда қуйидагиларни тавсия қиласиз:

Таълим муассасаси раҳбарлари, педагоглари, ишчи-ходимлари ва ўқувчилари таълим муассасаларига уяли алоқа воситалари билан келиш ҳуқуқига эга, бунда уяли

алоқа воситалари “Овозсиз режим” да бўлиши ёки товуш сигнали сифатида атрофдагиларни безовта қиласиган, асабига тегадиган товушлар (қўпол ва кескин ифодалар, мусиқалар)дан фойдаланмаслиги лозим.

Уяли алоқа воситалари ўқувчиларнинг дарсдан чалғитувчи восита эканлигини инобатга олиб, олий ўқув юртлари ва мактабларга кираётганда хусусий мобил телефонини ўчириб қўйиш ҳамда маъруза ва дарс пайтида ундан фойдаланмаслик лозим.

Таълим муассасаларида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш таълим-тарбия жараёни самарадорлиги, хавфсизлигини таъминлаш, ўқувчиларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топиши, ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр қимматини муҳофаза қилиш мақсадларида, хуқуқ ва бурчларнинг, эркинлик ва масъулиятининг тенглиги нуқтаи назаридан чекланиши мумкин.

Мазкур чеклашлар боланинг амалдаги қонун хужжатлари билан кафолатланган хуқуқ ва эркинликларига зид келмайди.

Ўқувчилар таълим муассасаларига киришдан олдин, катта танаффус ва танаффусларда ота-оналари, васийлари ёки яқинлари билан таълим муассасасига етиб келганлиги, ўзининг хавфсизлиги ва саломатлиги тўғрисида, охирги дарсдан кейин (ёки маълум сабабларга кўра аввалроқ) таълим муассасасидан кетаётганлиги тўғрисида хабар бериш учунгина уяли алоқа воситаларидан фойдаланишлари мумкин.

Синф хоналарида “Илтимос, уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйинг!” ёзуви, обҳаво шароити ноқулай бўлган ҳоллар учун фойеда маҳсус жойлар ажратилиши ҳамда “Бу ерда уяли алоқа воситасидан фойдаланиш мумкин!” ёзувлари ўрнатилиши мақсадга мувофиқ.

Фавқулодда ҳолатларда ўқувчиларга ота-оналари, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва яқинлари билан уяли алоқа воситалари орқали сўзлашишлари учун тўлиқ имконият яратилиши лозим.

Таълим муассасаси раҳбарлари ва педагоглари томонидан йиғма маълумотлар учун олинган ўқувчиларнинг телефон рақамлари қатъий сир сақланиши ва эгасининг розилигисиз учинчи шахсга ошкор қилинмаслиги лозим.

## ХУЛОСА

Ўқувчиларга уяли алоқа воситасидан жамоат жойларида фойдаланиш этикасини тарбиявий соатлар ва маънавий – маърифий тадбирлар орқали мунтазам ўргатиб бориши мақсадга мувофиқ. Унда қуйидагилар тақиқланишини ўқувчиларга етказиш зарур:

- таълим муассасаларида имтиҳонлар, маданий тадбирлар пайтида, ахборот-ресурс марказлари, ўқув заллари, умумий фойдаланиш ва овқатланиш жойларида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш;

- дарс пайтида уяли алоқа воситалари ёрдамида сўзлашиш, қисқа ҳабарлар алмашиш, ўйин ўйнаш, Интернет сайтларига кириш, мусиқа тинглаш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш;

- уяли алоқа воситаси орқали сўзлашганда бошқаларни хақорат қилиш ва атрофдагиларнинг нағсониятига тегувчи сўзларни ишлатиш;

- уяли алоқа воситалари орқали таълим муассасаларига инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи, маънавий бузуқликнинг турли кўринишлари, порнография, алкоголизм, ичкиликбозлиқ, кашандалик каби иллатларни тарғиб этувчи, жамиятда умумэтироф этилган ахлоқий қадриятларга зид бўлган, ўқувчиларнинг жисмоний ва

маънавий камолотига заар қелтирувчи, шунингдек, диний ва миллий низолар қелтириб чиқарувчи, диний ақидапарастлик ва миссионерлик билан боғлиқ ҳар қандай кўринишдаги маълумотларни олиб кириш ва тарқатиш;

- уяли алоқа операторларининг ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва ижтимоий мавқеига мос бўлмаган, уларнинг хавфсизлиги тўлиқ кафолатланмаган хизматлари, жумладан, “SMS” – танишув хизматларини ташвиқ қилиш ва улардан фойдаланишга даъват этиш;

- таълим муассасаларида уяли алоқа воситаларининг ўта баланд овозга созланиши, уларга мазмунида ўқувчининг ёши ва ижтимоий мавқеига мос бўлмаган, маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи мусиқа (рингтон) ларни ўрнатиш, эшигтириш ва тарқатиш;

- уяли алоқа воситаларини безатишда ўқувчининг ёши ва ижтимоий мавқеига мос бўлмаган, маънавий-ахлоқий тарбияга салбий таъсир кўрсатувчи тасвиirlар (Wallpaper ёки “Заставка”), безаклар, символлар, қўғирчоқ ва бошқа шу кабилардан фойдаланиш.

Таълим муассасаларида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш талабларини бузган ўқувчи икки марта гунчада раҳбарият, раҳбар ўринбосарлари ва педагоглар томонидан тегишли тартибда огоҳлантирилади.

Талаблар учинчи марта ёки иккинчи марта ўта қўпол тарзда бузилган ҳолатда педагоглар ташаббуси билан 2 нафар педагог (бири синф раҳбари бўлиши мақсадга мувофиқ) ва 2 нафар ўқувчи гувоҳлигида уяли алоқа воситаси ўқувчидан олиб қўйилади, ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқинлари иштирокида муҳокама қилиниб, чора кўрилгандан сўнг қайтариб берилади.

Мазкур талаблар билан ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари йиғилишларда таништирилиши мақсадга мувофиқ.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 авгуустдаги ПҚ-340-сон қарори;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 майдаги 139-сон қарори;
3. А.Абдуқадиров, Д.Давронбеков. Мобил алоқа тизимларининг 4G авлоди. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТАТУ – 2015. – 328 б.
4. “Мобил алоқа тизимлари” модули бўйича ўқув–услубий мажмуа Тошкент, 2016.154 б.
5. <https://uzedu.uz/uz>
6. <https://gujum.uz/jahon/jahonni-qamrab-olgan-uyali-telefonning-paydo-bolish-tarixi-uzoqemas/>